O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 24 июнь, чоршанба • № 49 (11.032) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ СОФИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Болгария Республикаси Президенти Петар Стояновнинг таклифига биноан 23 июнь куни расмий ташриф билан Болгарияга жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида ташрифдан кўзда тутилган асосий мақсад, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳақида тўхталиб ўтди.

— Болгария билан Ўзбекистон ўртасида тарихий алоқалар илгаридан мавжуд, — деди Ислом Каримов. — Шунинг учун ҳам халқларимиз бир-бирини яхши билади. Болгариялик қурувчиларнинг Бухоро ва Навоий вилоятларидаги улкан қурилиш ишларида фаол иштирок этгани ёдимизда. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам болгариялик мутахассислар Ўзбекистонда кўплаб болгарлар халқимиз билан ёнма-ён яшаб, меҳнат қилмоқда. Айтиш мумкинки, дунё мамлакатлари ва халқлари орасида бизга доимо дўстона кўз билан қарайдиган, биз билан ҳамкорликка интилувчи давлатлардан бири Болгариядир.

Болгариянинг давлат ва жамият қурилишида сўнгги йилларда рўй берган айрим муаммолар сабаб, бу мамлакат ривожланишида бирмунча қийинчиликлар юзага келди. Ниҳоят, 1997 йил бошида билимдон сиёсатчи Петар Стоянов Президент этиб сайланганидан сўнг, мамлакат барқарор ривожланиш йўлига тушиб, давлат бошқарувида аниқ йўналишлар белгилаб олинди.

Мазкур ташрифимиздан кўзланган асосий мақсад — ўзаро алоқаларимизни янада кенгайтиришдир. Шу маънода ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бир қанча ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда. Таъкидлаш керакки, ўзаро сиёсий-иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик алоқаларини янги мезонлар асосида ривож топтириш зарур. Биз ушбу ташрифимиз давомида масаланинг айни шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Шунингдек, яна бир муҳим масала борки, бу транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш билан изоҳланади.

Мамлакатларимиз иқтисодиётини солиштирадиган бўлсак, ўзаро туташ нуқталар талайгина экани кўринади. Бугун Болгария саноатининг Ўзбекистон пахтаси ва халқ хўжалигининг бошқа ноёб маҳсулотларига эҳтиёжи бор. Ўзбекистон эса, ўз навбатида, Болгария машинасозлиги маҳсулотларидан фойдалиниши мумкин. Бундан ташқари, Болгариядаги замонавий портлар ҳам бу давлат билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенг йўлга қўйишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозир биз учун коммуникация масаласи муҳим аҳамиятга эга. Энг қисқа йўллар орқали жаҳон бозорига чиқишимиз лозим. Бу нафақат иқтисодий нуқтаи назардан, балки сиёсий томондан ҳам муҳим. Товарларимизни дунё бозорига чиқаришда муайян қийинчиликлар туғилмоқда. Ўз навбатида мамлакатимизга керакли молларни олиб келишда ҳам бу ҳол қузатилади. Болгариянинг Варна ва Бургас каби портларидан фойдаланиб, Қора денгизда ўз паромларимизни юргизсак, бу Ўзбекистон иқтисодиётига катта наф келтиради.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ — ДАВР ТАЛАБИ

Шу йилнинг 20 июнь куни Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда вилоят ҳокимлиги котибият ва гуруҳлари, бошқарма, бўлим раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият бўлимлари бошлиқлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган ҳамда Тошкент вилоятида ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда вилоят фаоллари олдида турган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими Эркин Рўзиев маъруза қилди.

Вилоят фаоллари йиғилиши

Республика Президентининг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи катта акс-садо берди. Бу бежиз эмас. Чунки бу нутқда нафақат Қашқадарё вилояти, балки мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида рўй бераётган воқеалар, давр ва тараққиёт, раҳбар ва халқ, ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масалалар чуқур ва теран таҳлил этиб берилдики, у ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Мана шунинг учун ҳам Тошкент вилояти фаоллари Республика Президенти билдирган фикр-мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқариб, бўлим ва бошқармалар, шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган ишларни яна бир бор қайта кўриб чиқдилар ва ўзларига вазифалар белгилаб олдилар.

Вилоят ҳокимининг маърузасида таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида вилоятда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Саноатда ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида олиб борилаётган ишлар дастлабки самарасини бермоқда. Вилоят пиллакорлари 920 тоннадан ортиқ ҳом ашё топшириб, йиллик шартнома режасини бажардилар. Айни кунларда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда.

Вилоятда ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, маҳалла, туман ва қишлоқ марказларини, шаҳарларни ободонлаштириш, қурилишларни кенгайтириш масалаларига эътибор ортди.

Кейинги икки йил ичида вилоят ҳокимлиги маҳкамасида ёш кадрларни танлаш, тарбиялаш масаласига ҳам эътибор кучайди. Шу мақсадда кадрлар ўқуви ташкил этилди. 27 нафар ёш кадрлар тайёрланиб, ишга жалб этилди. Бу ишлар бевосита шаҳар, туманларда ҳам амалга оширилмоқда.

Лекин шунга қарамай вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, ислоҳотларни чуқурлаштиришда мавжуд катта имкониятларнинг ишга солинишига тўсиқ бўлиб турган бир қатор муаммолар ва камчиликлар борки, уларни тезроқ ҳал этиш керак.

Ана шунинг учун ҳам фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими асосий диққат эътиборни шу масалага қаратди.

— Энг аввало жойлардаги ишнинг муваффақияти раҳбар кадрларнинг қанчалик тўғри танланганлигига, ташаббускорлигига, эл-юрт учун жон куйдириб ишлашига боғлиқ, — деди у. — Қаерда раҳбар ўз қобилиятини, имкониятини ишга солаётган, халқ ичига кириб бораётган бўлса ана шу ерда муаммолар ўз ечимини топмоқда. Иш олға силжимоқда.

Афсуски, вилоятдаги барча туман, шаҳар, хўжалик, корхоналардаги катта-кичик лавозимларга раҳбарлар тайинлашда холисона иш юритилмаяпти. Бир сўз билан айтганда кадрларни танлашда бир томонлама ёндошишга йўл қўйилмоқда. Бу эса раҳбар кадрларнинг ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўйишига, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, таниш-билишчилик, порахўрлик каби иллатларнинг келиб чиқишига ва шу орқали маҳаллий ҳокимиятларнинг обрўсизланишига сабаб бўлмоқда.

Айрим шаҳар ва туманлардаги носоғлом муҳит, аҳолининг талаб ва истакларига аҳамият берилмаётганлиги, айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги туфайли юқори ташкилотларга ариза ва шикоятлар сони ортиб бормоқда. Бундай аҳвол Ангрен шаҳри, Зангиота ва Тошкент туманларида кўпроқ кузатилмоқда. Бекобод, Оққўрғон, Бўстонлиқ туманлари ҳокимликларида эса аҳолининг мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдирилмаяпти.

Айрим раҳбарлар ҳал этилиши зарур бўлган жуда катта вазифалар турган пайда майда-чуйда ишлар билан ўралашиб қолмоқдалар. Чиноз, Қуйичирчиқ, Бўстонлиқ туманларида

(Давоми 2- бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

АЁЛЛАР МИННАТДОР

Бичиш-тикиш ҳар бир аёлга хос ҳунардир. Лекин бу ҳунарнинг ҳам ўзига хос "сири", илми бор. Ана шу сирдан бекаму кўст воқиф бўлган аёлнинг жамоатчилик ўртасидаги обрўси ортиб бораверади.

Пскент шаҳар ҳокимлиги ўз фаолиятида бу масалага ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Шаҳар маданият бўлими қошида бундан бир йил муқаддам тикувчи аёлларнинг ўзига хос мактаби иш бошлаган эди.

Куни кеча мактабни 40 аёл битириб чиқди. Уларга тикувчилик касбини пухта эгаллаганликлари ҳақида ҳужжатлар топширилди. Уй бекалари, балоғат ёшига етган қизлар ҳужжатни қўлга оларканлар, яратиб берилган шароит, имконият учун ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

КИТОБЛАР СОНИ ОРТДИ

ВИЛОЯТ марказлашган кутубхонаси тизимидаги зиё масканлари янги бадиий адабиётлар, бугунги кун руҳидаги ўқув қўлланмалари билан бойимоқда.

Хусусан, сўнгги ойлар ичида Ўртачирчиқ туманидаги 1-кутубхона жавонларидан Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон каби ёзувчи ва шоирларнинг асарлари ўрин олди.

Умуман, ҳозиргача кутубхонадаги китоблар сони 45 мингдан ошиб кетди.

Китобхонлар сафига яна бир юз қирқ киши қўшилиб, 2100 нафарни ташкил этди.

Шоира ЯРАШЕВА.

ГУРУҲ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Вилоятимиз далаларида ғалла ўрим-йиғими кун сайин қизиб бормоқда. Шу кунларда деҳқонларга кўмакдош бўлиш, озгина бўлса-да бу умумхалқ ишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг вилоят бўлими жамоаси ҳам бу ишдан четда қолаётгани йўқ.

Кеча марказнинг вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган махсус кўчма гуруҳ йўлга чиқди. Ўз таркибига олимлар, зиёлилар, маданият, маърифат ходимлари, шифокорлар, шоир ва ёзувчиларни бирлаштирган бу гуруҳ айни кунларда ғаллазорда, дала шийпонларида меҳнаткашларга маданий-маърифий хизмат кўрсатади.

Чиноз тумани хўжаликларига ташриф буюрган гуруҳнинг дастлабки учрашувлари сермазмун ва қизиқарли бўлди. Тошкент Давлат аграр университети доценти Муҳаррам Раҳмонова, "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими ходими Мурод Мирзаев, шифокор Комил Жўрабоев, қатор шоир ва ёзувчилар шу куни ғаллакорларга Президентимизнинг Фарғона ва Андижон вилоятларида бўлиб, айтган фикр ва мулоҳазаларининг мазмун-моҳиятини чуқурроқ етказдилар. Чиноз туман маданият бўлимининг бадиий ҳаваскорлар дастаси ижро этган куй ва қўшиқлар учрашувларга янада мазмун киритди. Гуруҳ таркибидаги вилоят матлубот уюшмалари жамиятининг кўчма дўкони эса аҳолига савдо хизмати кўрсатди.

Шундай қилиб, вилоят туманлари бўйлаб янги гуруҳ ўз сафарини бошлади.

(Ўз мухбиримиз).

ЭРТА ЭККАН ЭДИК

Баҳорнинг илк кунларида Тошкент туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида бўлганимизда ғаллакорлар шундай деб айтган эдилар.

— Юкимиз ҳазилакам эмас. Лекин бу юкни маррага даст кўтариб олиб бориш учун ҳамма имкониятга эгамиз. Энг муҳими, уруғликни эрта экиб, текис ундириб олиб, ишловдан яхши олиб чиқдик. Мана, ҳозир парваришни қизғин олиб бормоқдамиз. Ҳар бир даланинг шароитига, экиннинг талабига қараб озиқлантирмоқдамиз, сув қўймоқдамиз. Ўрим-йиғимни эрта бошлаб, режани барвақт бажариш ниятидамиз.

Ўтган куни таҳририятимизга туман газетасининг муҳаррири Саъдулла Матёқубов сим қоқиб, "Ўзбекистон"ликлар ўз ниятларига етганликларини айтди. Улар 805 тонна ғалла топшириб, туманда биринчи бўлиб, режаларини бажардилар. Мавсумда 3 та "Кейс" комбайни ишлади. Жўра Баҳромов бошлиқ жамоа энг юқори кўрсаткичга эришди. 100 гектар майдондан 55 центнердан ҳосил олинди. Баён Олтойбекова, Турғун Билолов бошлиқ пудратчи жамоалар 50-51 центнердан хирмон кўтардилар.

Хўжаликда ўрим давом этмоқда.



Ҳозирги кунда вилоятимиз ғаллакорларининг бутун фикри-ёди катта меҳнат эвазига етиштирилган ризқ-рўзимизни, дон ҳосилини нес-нобуд қилмай тезроқ йиғиштириб, саранжомлаб олишга қаратилган. Бу борада Тошкент туманидаги Тўлаби жамоа хўжалигида ҳам зарур тадбирлар кўрилмоқда. Ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар яхши самара бераяпти.

Суратларда: жамоа хўжалиги раиси Султон Ҳамидов, Тошкент тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Сайфулла Темиров ва Кўксарой қўрғони милиция бўлими бошлиғи Атҳам Содиқовлар ўрим-йиғимни жадаллаштириш ҳақида маслаҳатлашмоқдалар. Янчилган ғалла пешма-пеш машиналарга ортилиб жўнатилмоқда.

Тўхтабой Каримов (юқорида) узоқ йиллардан буён тумандаги "Тошкент" жамоа хўжалигида механизатор бўлиб ишлайди. Ҳар йили ҳам у ғалла ўрим-йиғимида фаол қатнашиб, намуна кўрсатади. Бу йил ҳам Тўхтабой меҳнат беллашувида олдинда бораётир.

Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Чирчиқ шаҳрида янги турдаги ўқув юртлари сони ортиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзида махсус иқтисодий таълим лицейи, енгил саноат лицейи, техника коллежи ҳамда тўртта гимназия ишлаб турибди.

Ана шу ўқув юртларида янги педагогик технологияларни, рейтинг тизимини амалиётга тадбиқ қилишга алоҳида эътибор бериляпти. Шу мақсадда Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими билан олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти ҳамкорлигида ташкил этган курс машғулотларига педагог-инструкторлар жалб этилди.

Акбар АЛИЕВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳокимлик аппарати билан ишлашда ана шундай камчиликлар мавжуд. Айрим шаҳар ва туман ҳокимларининг соҳаларга мутасадди бўлган муовинлари эса ҳамма нарсани биринчи раҳбарга юклаб, масъулиятсизликка йўл қўймоқдалар. Масалан, Бекобод ва Қуйичирчиқ туманлари ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари бирон масалани мустақил ечишга қодир эмас. Бу гаплар Бўка тумани, Олмалиқ шаҳри ҳокимликларига ҳам тегишлидир.

Йиғилишда яна бир масалага алоҳида тўхталинди. Бу — раҳбарларнинг халқ ичида кўпроқ бўлишлари, жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан танишишлари, муаммоларни ҳал этиш юзасидан одамларни сафарбар этишга эътиборни кучайтиришлари, бир сўз билан айтганда, боқимандалик кайфиятини йўқотиш тўғрисида эди. Дарҳақиқат, давр ҳар биримиздан ўз зиммамиздаги вазифага юксак масъулият билан ёндошишни талаб этмоқда. Буни тушуниб етмаган раҳбар бугун четга чиқиши керак.

Адолат бузилган жойда ҳеч қачон иш юришмайди. Буни ҳаёт исботламоқда. Афсуски, айрим жойларда унинг бузилишига йўл қўйилмоқда. Маърузада вилоят давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармасида айнан социал адолатнинг бузилиши оқибатида вазият издан чиққанлиги, кадрлар қўнимсизлиги кучайиб бораётганлиги, лавозимларга лаёқатсиз кадрлар қўйилаётганлиги тўғрисида очиқ ойдин гапирилди. Энг ачинарлиси шундаки, бу бошқармада нопок ишларнинг авж олишига ҳам замин яратди. Масалан, бошқарманинг Бўка тумани бўлими раҳбари ўз мансабини суиистеъмол қилиб, пора олаётганда қўлга олинди. Бундай мисолларни бошқа бошқарма ва бўлимлардан, шаҳар ва туманлардан ҳам келтириш мумкин.

Фаоллар йиғилишида барча бўлим ва бошқармалар, шаҳар ва туман ҳокимликларига кадрлар билан ишлаш борасида қатъий фикр айтилди. Бугун бизга ёш, замон талабига жавоб берадиган, масъулиятни ҳис этадиган, ўз иқтидори, салоҳиятини мамлакат ривожига, одамлар манфаатига сарфлайдиган кадрлар керак. Фақат ана шундагина биз кўзланган манзилга тезроқ етамиз. Келажак авлод олдида зиммамиздаги вазифани бажарган бўламиз.

Фаоллар йиғилишида жойларда ислоҳотларнинг бориши, ишлаб чиқариш суръатини ўстириш, бу борадаги ички имкониятларни ишга солиш учун қилиниши зарур бўлган вазифаларга ҳам алоҳида тўхталинди.

Тўғри, 1998 йилнинг ўтган даврида вилоят халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Лекин ҳали ички резервлар кўп. Масалан, ойлик суръат уч ярим-тўрт фоизга ўсиб бораётган саноатда 67 турдаги асосий маҳсулотдан 42 тур бўйича ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетди. 135 та корхона ўсиш суръатларини таъминламади. Бугунги кундаги асосий муаммолардан бири тайёр маҳсулотларнинг корхона омборларида меъёридан ортиқ туриб қолишидир. Бу масала бир неча марта кўтарилаётганига қарамасдан уларни камайтириш устида жиддий ишланмаяпти. Маҳсулотларни сотиш учун замонавий усуллар қўлланилмаяпти. Худди шунингдек, чет элликлар билан ҳамкорликда барпо этилаётган қўшма корхоналарнинг фаолияти ҳам ҳали талабга жавоб бермаяпти. Мавжуд рўйхатга олинган 138 та қўшма корхонанинг 88 таси фаолият кўрсатаётганлиги бу борада кескин ўзгариш қилиш зарурлигини кўрсатиб турибди. Қўшма корхона жорий этишдан асосий мақсад харидоргир ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу орқали дунё бозорига чиқишдир. Афсуски, шаҳар ва туманлардаги қўшма корхоналарнинг аксарияти савдо ва тижорат ишлари билан чекланиб қолмоқда.

Етакчи тармоқ — қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳақиқий ер ва мулк эгаларини шакллантириш йўлида катта иш бошланди. Бунинг натижалари кўринмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ой сайин ўсиб бормоқда. Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида қишлоқ хўжалиги ривожига оид тўртта муҳим қонун қабул қилинди. Эндиликда ана шу қонунлар асосида иш юритиб, тармоқдаги муаммоларни ҳал этиш устида ишлаш керак.

Афсуски, жойларда ердан самарали фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини оширишда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айниқса, деҳқон-фермер хўжаликлар ташкил этишдаги қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, ўз манфаатини суиистеъмол қилиш ҳолларига ҳамон чек қўйилмаяпти. Текширишда шу нарса маълум бўлдики, вилоятда ўтган бир йил давомида ана шундай йўллар билан 141 та деҳқон-фермер хўжалиги ташкил этилди. Уларга 1963 гектар юқори ҳосилли суғориладиган майдонлар ажратиб берилди. Бундай камчиликлар Бекобод, Бўка, Оққўрғон туманларида авж олган. Вилоят ҳокими ушбу фактларни келтирар экан, ўзининг қатъий фикрини билдирди. Бунга йўл қўйган одамлар қонун олдида тегишли жавобини беради.

Қишлоқ хўжалигида экинлар структурасининг ўзгариб бораётганлиги, ислоҳотларнинг чуқурлашаётганлиги қишлоқ аҳолисини бошқа қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш тармоқларига жалб этишни талаб этмоқда. Вилоят ҳокимлиги сўнгги уч йилда бу масалага алоҳида эътибор бермоқда. Бандлик дастури ишлаб чиқилди. Шу асосда йилига 30-35 минг янги иш жойлари яратилмоқда. Лекин ана шундай бир пайтда Қуйичирчиқ, Паркент, Чиноз, Янгийўл, Бўка, Оҳангарон туманларида янги иш жойлари яратиш масаласига масъулиятсизлик билан ёндошилмоқда. Жойларда замонавий, кичик ва ихчам корхоналар қуриш, аҳолини айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш энг муҳим ва катта вазифа бўлиб қолмоғи керак.

Фаоллар йиғилишида жойларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш, маданий-маърифий, ижтимоий, савдо ва пуллик хизмат масалалари борасида йўл қўйилаётган камчилик ва муаммолар тўғрисида ҳам кенг тўхтаб ўтилди. Бу борада вилоятда ишлаб чиқилган тадбирлар ва белгиланган дастурларнинг бажарилишини таъминлаш устида қатъий ишлаш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди ва тадбирлар белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ

БОЛҚОНДАГИ ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Болгария ҳақида гап кетганида, мутахассислар унинг иқтисодиёти сўнгги йилларда жадал суръатлар билан ривожланаётганини таъкидлашади. БМТ вакиллари аҳолининг турмуш даражаси, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоиётнинг бошқа соҳаларига киритилаётган хорижий сармоялар бўйича бу мамлакат тобора юқори поғонага кўтарилаётганини қайд этишган.

Болгария иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири транспорт коммуникацияларидир. Мамлакат катта денгиз, йирик автотранспорт ва темир йўллар кесишадиган ҳудудда жойлашган. Бу борада Болгариянинг, айниқса, Туркия билан чегарадош ҳудудлари анча катта ўрин тутади. Бу ердан Яқин Шарқ, Осиё ва Европани боғлайдиган анъанавий савдо йўллари ўтади. Қора денгиздаги порт ва паромлар ҳам Болгария иқтисодиётига дурустгина фойда келтиради.

Болгарияда молия соҳасида юз бераётган ўзгаришлар ҳам ўзига хос. Ўтган йилнинг ёзида ҳукуматга бўйсунмайдиган Валюта кенгаши тузилди. Ушбу кенгаш тамомила мустақил орган бўлиб, давлат бюджетининг харажатлари, пул қадрсизланиши даражаси ва бошқа муҳим молиявий жараёнларни назорат қилади. Унинг ташкил этилиши билан мамлакатда инфляция суръатларини кескин камайтириш, давлат қарзларини минимал даражага келтиришга эришилди. Кейинчалик Кенгаш ташаббуси билан чет эл сармояси ҳақидаги қонунга ўзгартишлар киритилди. Бу эса мамлакатга хориж капитали оқимини кучайтирди.

Молия соҳасидаги ўзгаришлар саноат секторига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Жаҳон бозорида 90-йиллар бошида йўқотилган ўринлар қайта эгаллана бошлади. Ташқи савдода Европа Иттифоқи мамлакатлари ва бошқа Ғарб давлатларининг ҳиссаси тобора ортмоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин: ўтган йили Италия, Греция, Туркияга экспорт ҳажми ўртача 17 фоизга, АҚШга эса 14 фоизга ортди. 1997 йилда мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси 9,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Айни вақтда хориждан маҳсулот олиб кириш камайиб бораётир. Ўтган йилги ташқи савдо натижалари экспортнинг умумий ҳажми импортнинг умумий кўрсаткичидан қарийб 400 миллион АҚШ долларига кўплигини кўрсатди. Бу йил И. Костов ҳукумати ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1997 йилгига нисбатан 4 фоиз юксалтириш режасида.

Болгариянинг ташқи сиёсатидаги ўзгаришларга келсак, улар орасида Шимолий Атлантика ҳарбий Алянси ва Европа Иттифоқига кириш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиз. Айни кунда ҳар икки тузилма билан муттасил музокаралар давом этмоқда. Иқтисодиётдаги ўзгаришлардан ташқари, ҳарбий соҳадаги ислоҳотларга ҳам эътибор сусайгани йўқ. Оддий қуролли кучлар тўғрисидаги халқаро шартномага мувофиқ мамлакат қуролли кучларининг сафи қисқараётган бўлса-да, ҳарбий техника НАТО андозалари даражасига чиқарилмоқда. Аскар ва офицерларнинг жанговар тайёргарлиги оширилаётир.

Ўзбекистон-Болгария муносабатлари хусусида шуни айтиш мумкинки, икки мамлакат ҳукуматлари ва халқлари ўртасидаги дўстлик билан йўғрилган муносабатлар бугунги кунда янгича асосда ривожланиб бормоқда. Ишбилармонлар даражасидаги мулоқот ва алоқалар ҳам кундан-кун кенгайиб бормоқда. Фикримизнинг тасдиғи учун шу йил бошида юртимизга Болгария ташқи ишлар вазири Надежда Михайлова билан йирик ишбилармонлар гуруҳи ташриф буюрганини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Ушбу ташриф чоғида Н. Михайлова Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинди ва республика ҳукумати вакиллари билан музокаралар ўтказди. Ушбу ташриф асосида ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга асос бўладиган кўплаб таклифлар ўртага ташланди.

23 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Болгарияга расмий ташрифи бошланди. Йўлбошчимизнинг Софияга ушбу сафари давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига, ҳукумат, ишбилармон доиралар, илм-фан, маданият ва санъат вакиллари даражасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янгича руҳда ривож топишига муносиб туртки бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, ҳамкорлик учун ҳар икки мамлакатда ҳам имкониятлар етарли.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Мактублар, мактублар...

ЧЕГАРАДАН ЎТМАСА, СИФАТСИЗ МОЛ КЕЛМАЙДИ

Ҳурматли таҳририят! Мен газетангизнинг 3 июнь сонида эълон қилинган "Брак моллар қаердан келяпти" сарлавҳали мақолани ўқиб ўйланиб қолдим. Худди кечагидек эсимда. Президентимиз 1996 йил 14 декабрь куни халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида бундай деган эди:

"Шу ўринда бозорлар мамлакат иқтисодининг кўзгуси экани хусусида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Зеро, ғурурли халқ, ўз қадрини билган давлат бозорларнинг сифатсиз — усти ялтироқ, ичи қалтироқ, бошқа жойларда ўтмай ётган моллар билан тўлишига йўл қўймайди".

Лекин назаримда юртбошимизнинг бу қимматли сўзларига мутасадди ўртоқлар бефарқ қарамоқдалар. Ҳозир қайси бозорга борманг ўтмас матохларни истаганингизча топасиз. Тўғри, божхоначиларнинг мамлакатимизга ноқонуний олиб келинаётган ва олиб чиқиб кетилаётган моллارни ушлашаётгани матбуотда бериб бориляпти.

Аммо бу дарёдан томчи холос. Жуда кўп сифатсиз маҳсулотлар "қайси йўллар биландир" юртимизга кириб қоляпти. Ана шу масала газетада жуда тўғри қўйилган.

Фикримча, шундай катта муаммо изсиз қолмайди. Ўз ечимини топади. Чунки бу жуда катта аҳамиятга молик ҳаётий масала. Шундай қилинмаса фақат халқ жабр кўради. Бунинг бирдан бир йўли ана шу оқиб келаётган сифатсиз моллар йўлига ишончли тўсиқ қўйиб, уни юртимизга киритмасликдир. Ўйлайманки, мутасадди идоралар бу масалада ўз сўзини айтади.

Акрам ДАДАБОЕВ,
Янги Тошкент консерва ҳиссадорлик жамияти ишчиси.

ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

Халқимизда олмоқнинг бермоғи бор, деган нақл бор. Фойдаланилган буюм, кўрсатилган хизмат, моддий неъмат учун ўз вақтида ҳақини тўлаб қўйиш керак. Масалан, ҳаммамиз электрдан, телефондан, газ, сувдан ва бошқа хизматлардан беминнат фойдаланамиз.

Уларнинг ҳақини эса ўз вақтида тўлаб қўйишимиз лозим.

Бундан ташқари солиқларни тўлашда суст-кашликка йўл қўйишимиз ҳам ўзимизга зарар. Чунки қонун бўйича ўз вақтида тўланмаган тўловлар учун жарима кўзда тутилган. Шундай қилиниши жуда тўғри. Одамларни хушёрликка чорлайди. Қонунни назар-писанд қилмаганларнинг кўзини очиб қўяди.

Аммо қарс икки қўлдан, деганларидек, одамлар лозим бўлган тўловларни вақтида тўламасалар моддий жавобгар бўладилару корхона ва ташкилотлар учун бу нарса қўлланилмайди. Айтайлик бирор ташкилот, корхона мутасаддилари одамлар олиши лозим бўлган маош, мукофот ва бошқа пулларни вақтида бермайди. Бу ҳатто бир неча ойга чўзилиши мумкин.

Ўйлайманки, ана шу масалага ҳам ойдинлик киритиш керак. Ким вақтида ўз бурчини бажармадими зарарини ўша кўрсин.

Рихситилла КАРИМОВ,
Янгийўл тумани.

Чиноз пахта тозалаш корхонаси жамоаси илғор ишчи Ҳуррият Раҳмонова номини ҳурмат билан тилга оладилар. Беш йилдан бери шу даргоҳда ишлаб келаётган Х. Раҳмонова зиммасидаги вазифани виждонан бажараётганлиги туфайли шундай обрў-эътиборга эришмоқда.

Абдужалол РАҲИМОВ олган сурат.

Галла — 98

Сўнгги тонналар ортилган машина билан бирга "Хос" ширкатлар уюшмаси раиси Раҳматжон Деҳқонбоев ҳам қабул тармоғига бирга борди.

"ХОС"ГА ХОС ЮТУҚЛАР

— Ҳозиргача топширилган ғаллангиз 690 тоннадан ортди, — деб айтишди, унга торозибонлар, — билишимизча, режадан анча ошириб юбордиларинг. Меҳнат ғалабангиз билан табриклаймиз!

Бундай гапни эшитиш, албатта, мароқли. Раҳматжон ака шу дамда бутун чарчоқларини унутгандек, енгил тин олди. Лекин ютуққа эришишнинг ўзи бўлмади, албатта. Ҳосилга замин ўтган йилнинг кузидан бошланди. 290 гектар ғалла учун ажратилган майдон 60 та оилага — ҳар бирининг жонбоши, имкониятига қараб 4—5 гектардан бўлиб берилди. Улар билан шартнома тузилди. Уюшма шартнома шартларини бекаму-кўст бажаришга ҳаракат қилди. Ерни экишга тайёрлаш учун ўз вақтида техника етказиб берилди. Уларнинг унумли ишлаши таъминланди. Уруғ ҳам етарли равишда ажратилди. Экиш, парвариш ишларини хўжаликнинг мутахассислари тажрибакор деҳқонлар билан биргаликда алоҳида назорат қилиб бордилар. Рағбатлантириш шартлари ҳар бир оилага асосли равишда тушунтирилган эди. Шунинг учун ҳам улар эрта кўздан бошлаб то кеч баҳоргача астойдил меҳнат қилдилар. Белгиланган майдонларда мўл-ҳосил етиштирилди. Ўрим-йиғимга туманда биринчилардан бўлиб киришдилар. Битта "Кейс" комбайни тинимсиз ишлаб турди. Уни бошқарган Ғуломжон Сулаймонов деярли ғалла майдонининг ярмини ўриб-янчиб берди. 500 тонна хирмон уйди. Хўжаликнинг ўзида иккита "Нива" комбайни ҳам бор эди. Улар мавсумга пухта созланди. Усмон Қўшматов, Азамат Ашраповлар бу комбайннинг унумли ишлаши учун бор маҳоратларини кўрсатдилар. Техникалардан тўла қувват билан фойдаланилганлиги, мавсумда ҳар бир тонна янчилган ғалла учун 60 сўмдан пул, 5 килограммдан буғдой бериш тартибига амал қилинганлиги учун унумдорлик юқори бўлди. Хосликлар Бекобод туманида биринчилардан бўлиб режаларини бажардилар. Ўртача ҳосилдорлик 36,2 центнерга тўғри келмоқда.

Ерга эгалик ҳиссини амалда сеза бошлаган айрим оилалар—пудратчи ғаллакорлар кўрсаткичи анча юқори бўлди. Жумладан, Содир Жўрабеков оиласи 4 гектар ердан 51 центнердан, Жўрабой Худойберганов оиласи 3 гектар ердан 47 центнердан, Фарида Деҳқонбоева 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 47 центнердан, Соадат Холбоева 9 гектар ғаллазордан 45 центнердан ҳосил йиғиб топширдилар.

— Ҳаммаси бўлиб 1160 тонна ғалла етиштиришимиз керак, — дейди уюшма раиси. — Бу ҳосилнинг бир қисми далада турибди. Шунинг учун ҳам биз дастлабки ютуғимизни мустаҳкамлаш учун астойдил меҳнат қилмоқдамиз. Ўрим давом этмоқда. Ойнаи жаҳон орқали Президентимизнинг Фарғона ва Андижон вилоятлари деҳқонлари ғаллакорлари ҳузурида бўлиб, уларга қарата айтган гаплари, маслаҳатларини диққат билан эшитдик. Биз ҳосилдорликни ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яна бир бор дилимизга тугиб қўйдик. Мавсум якунлангач, ишларимизни ҳар жиҳатдан таҳлил этиб, келгусида янгичасига ишлашга, ҳосилдорликни кескин оширишга ҳаракат қиламиз.

Файзулла ЗИЁДУЛЛАЕВ.

Ислоҳот йўлидан

ЖАМОАНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Тўйтепа металлқурилмалари заводи жамоаси республикамизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида иштирок этишяпти. Бундай иншоотлар орасида "Халқлар дўстлиги", "Туркистон" саройлари, Тошкент Давлат цирки каби муҳташам санъат кошоналари, "Чорсу" бозори ва меҳмонхонаси, Юнусободдаги теннис корти, Олий Мажлис биноси каби ноёб дурдона қасрлар, Тошкент трактор заводи, Андижондаги ЎзДЭУавто мажмуи, "Кобул-Тўйтепа" тўқимачилик комбинати сингари саноат корхоналари бор.

Тобора муҳташам оёққа тураётган, куч-қувват йиғаётган иқтисодиётимизнинг ривожи бу корхонага ҳам бир қатор муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда. Ўзбекистон ва Украина, Ўзбекистон ва Россия ўртасида иқтисодий ҳамкорлик шартномаларининг тузилиши, иқтисодий алоқаларнинг янги босқичга кўтарилиши натижасида корхона учун кўплаб талаб қилинадиган металл таъминотининг давлат даражасида ҳал этила бошлаганлиги жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

1997 йил давомида 7 минг тонна металл қурилмалари тайёрланиб, жами 450 миллион сўм ҳажмида иш бажарилган бўлса, бу йилнинг биринчи ярмидаёқ бу кўрсаткичлар ортда қола бошлади. Бу йил завод жамоаси камида 1 миллиард 250 миллион сўмлик бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган маррага ишонч билан яқинлашмоқда.

Буюртмалар эса кўпайиб бормоқда. Улар орасида Тошкентнинг Кўкча даҳасида бунёд этилаётган улкан тўқимачилик корхонаси, Тошкент аэропортида қатор иншоотлар, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи ва бошқа шу сингари катта қурилишлар бор.

Корхонада жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш ишлари тобора кенгайиб бораяпти. Иш ва дам олиш шароитларини яхшилаш учун анча маблағ сарфланди. Заводнинг Тошкент денгизи бўйидаги сўлим оромгоҳ-профилакторийси тўла таъмирдан чиқарилди. Бу ишлар учун 14 миллион сўм сарфланди. Ўз фаолиятини тўхтатиб, кимсасиз бўлиб қолган бу маскан яна кўркам ва файзли бўлиб қолди. Ҳозир бу ерда 75 кишилик дам олиш уйи ва 25 ўринли санаторий-профилакторий ишлаб турипти. Спорт иншоати очилди, ишчилар шаҳарчасидаги стадион таъмирланиб, яна мухлислар билан гавжум бўлиб қолди, "Металлист" футбол жамоаси ташкил этилди, бундан ташқари қатор соғломлаштириш — спорт тўгараклари иш бошлади.

Шаҳарчада ижодкор ёшлар уйи, маданият маркази ташкил этилганлиги ҳам айни муддаодир.

Яқинда завод раҳбарияти яна бир хайрли ишни бошлади. Корхонада ишлаб, пенсияга чиққан ҳар бир уруш қатнашчисига ҳар ойда 2 килограммдан гўшт бепул бериб турилади. Жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган бу ва бошқа шундай тадбирлар корхонада меҳнат жўшқинлигини кучайтирмоқда.

Маъмур БОЗОР АЛИ.

ШУКРОНАЛИК БИЛАН ЯШАЙЛИК

Муносабат

КЎПИНЧА шундай ҳам бўлиб туради. Кўча-кўйда, чойхонада, трамваю автобусда кимдир ҳозирги кунидан, мустақиллик шарофатидан мамнунлигини тўлиб-тошиб сўзласа, айримлар кечаги кунини қўмсаётгандек бўлади. Нарх-наво ошганлигидан нолиганини эшитиб қоламан. Бундайларнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаси, дунёқараши ҳар хил экан дейману ўзимга тасалли бераман. Лекин нолиган бундай одамларга дилимдаги ўз фикрларимни айтиб қўйишни лозим деб топдим.

Мустақиллик бизга бахт, шуур берди. Эркимизни ўз қўлимизга тутқазди. Маънавиятимиз, маданиятимиз, тилимиз, динимиз, тарихимиз қайтиб келди. Ўзлигимиз тикланяпти. Ўзбекистонни дунё таниди. Ер ости ва ер устки бойлигимиз, меҳнатимиз самаралари ўзимиз учун хизмат қилмоқда.

Эрк дедик. Ўз ҳолимизча, юқорининг рухсатисиз бирон иш қила олармидик? Қурилишу таъмирлаш ишларидан тортиб бир туманга раҳбар тайинлаш ҳам юқорининг измида эди. Бир кўчага ном бермоқчи бўлсак, ўшаларнинг руҳсатисиз ҳал бўлмасди. Деҳқончилигу чорвачилик, саноату қурилиш, қазилма бойликларни қазиб чиқаришда яна ўша юқорининг берган режаси билан иш юритиларди. Ҳатто бир она қўйнинг нечта қўзи туғиши ҳақида юқоридан кўрсатма бериларди. Ўша пайтда режа давлат қўмитасида хизмат қилган ходимнинг бир воқеани қуйиниб ҳикоя қилгани сира есимдан чиқмайди. Тошкентдаги ҳашаматли бинолардан бирини таъмирлашга 50 грамм олтин сарфланиши кўзда тутилгани сабабли рухсат олиш мақсадида Москвага Министрлар Советининг раиси ҳузурига киришга тўғри келган экан. Ўшанда ҳам кўп қаршиликларга учраб, ахири кимларнидир ғафа қилгани учун ишдан олиб ташлаш тўғрисида қўнғироқ қилинган, ҳартигур бу ердаги раҳбарлар қўнғироққа эътибор беришмай ходим ўз вазифасида қолган экан.

Маънавият соҳасидаги бутун бойлигимиз атайлаб йўқ қилинди, уни тарғиб қилувчи алломаларимиз, тасаввуфнинг машҳур донишмандлари ва уларнинг билимларидан бебаҳра этилдик. Бундай асарларни ўқиганлар қувғин остига олинди. Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кўбро, Абул Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий, Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, имом Газзолий, Аҳмад Яссавий, Имом ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Аҳмад Фарғоний, Форобий меросини фақат мингдан бир фоиз тарихчилару, адабиётшуносларгина биларди, холос. Эндичи, ўзимизда мавжудлари нашр этилиб, халққа инъом этилмоқда, турли йўллар билан тижорат ҳудудидан ташиб кетилганларини қидириб топиш учун ҳаракат бошланган. "Олтин мерос" жамғармасининг асосий вазифаларидан бири ҳам ана шу.

Дин эркинлиги Асосий қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилди. Ҳаж ва умра зиёратларига йўл очилди. Ҳар йили уч-уч ярим минг киши муқаддас Макка ва Мадинада бўлиб умра ва ҳаж зиёратларини амалга оширмоқда. Давлат, айниқса, Республика Президенти бунга алоҳида эътибор бериб, моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам бериб келмоқда.

Лекин бу эркинликдан ўзининг ғаразли мақсадлари учун фойдаланаётган оқимлар ҳам пайдо бўлмоқда. Бундай оқимларни кўпчилик — халқ сира ёқламайди.

Қизил империя даврида тарихимиз бўяб кўрсатилган эди. "Босиб олинмаган" эдик, "ўз ихтиёримиз билан қўшилган" эдик гўё. Улар Амир Темур, Бобурларни босқинчи, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийларни ватан ҳоини, бир ҳўкизи, боғроғи, от-араваси бўлганларни қулоқлар, ўз ватанини ҳимоя қилганларни босмачилар деб ўқитишди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарида туриб олиб Ватанимиз номидан аллакимлар гапирарди. У, аввало, ўз манфаатини "улуғ" деб ҳисоблаган мамлакати ҳақида қайғурарди.

Мустақилликдан сўнг Президентимиз икки марта шу юксак минбардан туриб, минтақа аҳолиси номидан, қўшни давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, ажойиб нутқ сўзлади, бугина эмас бошқа кўпгина халқаро ташкилотларнинг минбарларидан туриб, Ватанимизни ички ва ташқи аҳволи ҳақида, мақсадларимиз ҳақида сўзлаб бермоқда.

Бизни бир юз элликдан ортиқ давлат тан олди. Дипломатик алоқаларни йўлга қўйди. Чет эллик ишбилармонлар билан биргаликда ҳамкорликда ташкил қилинган минглаб қўшма корхоналар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Қадриятларимиз қирқилган, маърифатимиз оёқ ости қилинган, тилимиз тилимланган, бойликларимиз барбод этилган, қўл-оёғимиз кишанланган замонни қўмсаш қайси ақлга сиғади.

Ватанда яшаб туриб, ватаннинг қадрига етмаган, унинг ютуқларидан завқланмаган, камчиликларини кўрганда азоб чекмаган, ҳамма нарсага фарқсиз қарайдиган одамларни кўрганда қалбим изтироб чекадию, беихтиёр умра зиёфатида бўлган пайтимда кўрганларим есимга тушади...

Инқилобдан кейин Афғонистонга ўтиб, ундан Макка ва Мадина шаҳрига бориб, турғун бўлиб қолган наманганлик, марғилонлик, андижонлик ўзбекларнинг фарзандлари билан уларнинг тақияхоналарида (меҳмонхоналарида) бир неча бор учрашиб суҳбатлашдик. Ҳар гал учрашганимизда улар кўришиб туриб, мустақилликни қўлга киритганимиздан хурсанд эканликларини изҳор қилишар, кўзларида севинч ёш билан тўлқинланиб сўзлашарди. Улар ўз байроғимиз, ўз гербимиз қабул қилинганидан ниҳоятда хурсанд эдилар. "Чунки — дейишарди улар — бу ерда, яъни Мадинада турли давлатларнинг халқлари яшашади, улар ўз юртларининг байрамларини нишонлашганда давлатларининг байроғини кўтариб, мадҳиясини айтишарди. Бизлар эса шу пайтгача ўз Ватанимизнинг на байроғи ва на мадҳияси йўқлигидан қуйинардик. Оллоҳга ҳисобсиз шукурлар бўлсинки, байрамларда мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғини кўтариб, мадҳиясини куйлаш бахтига муяссар бўлдик".

Мустақиллигимиз шарофати туфайли савдо-тижорат ишлари билан шуғулланишга, касб-ҳунармандликни ривожлантиришга ижозат берилдигина эмас, ҳатто бу ишлар билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратилди. Собиқ иттифоқ пайтида савдо-тижорат юргизганларнинг мол-мулки тортиб олиниб, ўзлари авахтага ташланганларини, ҳунармандларнинг асбоб-ускуналари мусодара қилиниб, ўзига жарима солинганини наҳотки эсдан чиқарган бўлсак.

Тоғам раҳматли ямоқчи-косиб эдилар. Солиқчидан жуда ёмон қўрқардилар. Чунки бир неча марта бигиз-сўзаналарни йиғиштириб олиб кетиш билан бирга, катта-катта солиқ солишган экан. Шунинг учун ҳам қариндош-уруғнинг йиртиқ махсисини ямаш, этигини тикиб бериш бўлса ярим кечада, ертўлага тушиб тикишарди.

Эндичи, ким нимага қодир бўлса, ўшани қиляпти. Этиқдўзу сандиқчи, бешикчию дурадгор, чилангару сартарош эмин-эпкин ўз ҳунарини, ота-бобосининг касб анъаналарини давом эттирмоқда. Булар учун алоҳида расталар қуриб берилмоқда.

Шаҳарлар чиройи йилдан-йилга гўзаллашиб бормоқда. Етти йил ичида қад кўтарган ва кўтараётган муҳташам иншоотлар, сўлим боғлар, ажойиб маъмурий бинолар, соғломлаштириш мажмуалари, ёдгорликлар кенг халқ оммасига хизмат қилмоқда. Бундай қурилишларни илгари ўн-ўн беш йилда ҳам бунёд этиб бўлмасди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бизда қонун устивор бўлган демократик давлат қуриш учун катта имкониятлар бор. Энг муҳими юртимизда тинчлик барқарор.

— ...Сиёсатимизнинг бош йўналишини Ўзбекистон хавфсизлиги ташкил этади, — деди Республика Президенти Ислом Каримов "Тафаккур" журнали бош муҳаррири билан суҳбат чоғида. — Албатта, ҳозирча турмушимиз биз орзу этган даражада эмас. Ҳали етишмовчиликлар, қийинчиликлар ва йўлимизда тўсиқлар ҳам оз эмас. Аммо шундай мураккаб вазиятда одамлар омонлиги, мамлакатимиз тинчлигини таъминлашга эришаётганимиз, ўйлайманки, бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Ҳар биримиз ана шу осуда ҳаётни қадрлашимиз керак. Нолиш ўрнига имкониятимиз борича ўз меҳнатимиз, келажаги буюк юртга ишонч руҳидаги сўзимиз билан Ватан равнақига ҳисса қўшиб, шукроналар қилиб яшамоғимиз лозим, деб ўйлайман.

Абдужаббор МАННОПОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ДЕҲҚОН МАДАДКОРИ

Деҳқон эрта баҳорда умид билан ерга уруғ қадайди, меҳрини бериб экинни парвариш қила бошлайди. Ногоҳ бирдан қаттиқ жала қуяди-ю ниҳоллар ер билан яксон бўлади. Бахтга қарши, бундай кўнгилсиз ҳодисалар учраб туради. Табиий офатлар оқибатида катта иқтисодий зарар кўрган деҳқонга ана шундай пайтда ким ёрдам бериши керак? Албатта, суғурта компаниялари.

Бундан бир йил муқаддам Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат суғурта бош бошқармаси негизида "Ўзагросуғурта" давлат акционерлик суғурта компанияси ташкил этилган эди.

— Қишлоқ меҳнаткашларига комплекс суғурта хизмати кўрсатиш асосий вазифамиздир, — дейди компания бошқаруви раиси Пўлат Казиев. — Айни пайтда мижозларга йигирмадан ортиқ турда хизмат кўрсатишни йўлга қўйдик. Шартномаларга кўра, қишлоқ хўжалик корхоналари кўрган иқтисодий зарарни қоплаш учун 230 миллион сўмлик суғурта тўлов операциялари амалга оширилди.

Мамлакатимизда суғурта хизматининг бутунлай янги тури — қишлоқ хўжалик корхоналарига маҳсулот ишлаб чиқариш учун давлат томонидан ажратилган мақсадли аванс маблағларини кафолатли суғурталаш жорий этилди. Натижалар ёмон эмас. Суғурталанган мақсадли аванс маблағларидан тўғри фойдаланиш ва уни ўз вақтида қайтаришни таъминлаш мақсадида суғурта компанияси туман бўлинмаларида агроном ва ҳуқуқшунос лавозимлари ташкил этилди. Улар қишлоқ хўжалик корхоналари ва мутасадди ташкилотлар билан бирга экинларни агротехник қоидалар асосида парваришлаш, юқори ҳосил етиштириш учун лозим бўлган барча тадбирларнинг ижросини назорат қилиб боради.

"Ўзагросуғурта"нинг жойлардаги бўлинмалари томонидан "Ўзпахтасаноатсотиш" уюшмаси ва "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга берилган аванс маблағларини суғурталаш учун 15 мингдан зиёд шартнома тузилди. Натижада, табиий офат ва бошқа сабаблар туфайли кўрилган зарарнинг асосий қисми компаниямиз ҳисобидан қопланди.

Компания юқоридаги ташкилотлар билан 1998 йил ҳосили учун контрактация шартномалари тузишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Жойлардаги бўлинмалар томонидан мақсадли аванс маблағлар олувчи хўжаликларнинг аҳвоси ўрганилди, уларга зарур тавсиялар берилди.

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида 1997 йил якунларига бағишланган йиғилишда алоҳида таъкидлаганларидек, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда шартнома муносабатларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бу борада ҳали талай муаммолар, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва тайёрлов идоралари ўртасида келишмовчиликлар мавжуд. Томонлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур ҳис этмаяпти, контрактация шартномаларини тузишда масъулиятсизликка йўл қўяяпти.

Одатда контрактация шартномалари ижросини республика маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат бош инспекцияси назорат қилиб боради. Шу йилдан бошлаб, ишлаб чиқарувчилар ва тайёрлов идоралари ўртасида тузилаётган контрактация ишларида давлат суғурта компанияси ҳам бевосита иштирок эта бошлади. — Биз мижозларимиз сони ва кўрсатилаётган суғурта хизмати турларини кўпайишидан манфаатдормиз, — дейди П. Казиев. — Шу билан бирга маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва тайёрловчилар ўртасида имзоланаётган контрактация шартномалари пишиқ-пухта бўлишини ҳам таъминлашимиз керак.

"Ўзагросуғурта" компанияси хўжаликларга бир қатор ихтиёрий суғурта турларини ҳам таклиф эта бошлади. Хўжалик раҳбарлари шуни яхши билиб қўйишлари керакки, моддий зарар кўрилганда, мажбурий суғуртага нисбатан ихтиёрий суғурта учун кўпроқ қоплама тўланади. Яқинда санация қилинган қишлоқ хўжалик корхоналарига, уларнинг суғурта ташкилотлари билан қарзларини ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ва кечиб юбориш билан бир қаторда, имтиёзли суғурта хизмати кўрсатиш бўйича вақтинчалик низом ишлаб чиқилди. Келгусида иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган бошқа хўжаликларга ҳам ана шундай хизмат кўрсатиш режалари тузилмоқда.

"Ўзагросуғурта" давлат акционерлик суғурта компанияси ишида ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Хусусан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг кафолатли суғуртага ишончини мустаҳкамлаш, ихтиёрий суғуртанинг хилма-хил турларини татбиқ этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Бу каби камчиликларга барҳам берилса, компания деҳқоннинг ҳақиқий мададкори бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

Халқаро ҳаёт

ЭЛЕКТРОН МИКРОАВТОБУСНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

➡ НЬЮ-ЙОРК. Америкадаги "Крайслер" автомобиль концерни электрон микроавтобуснинг янги авлодини ишлаб чиқаражагини маълум қилди. Режага кўра, бўлажак микроавтобуслар "ЭПИК" номи билан шу йилнинг кузида сотувга чиқарилади.

"Крайслер" дунёдаги электрон микроавтобус ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Бу турдаги машинанинг биринчи авлоди 1993 — 1995 йилларда ишлаб чиқарилган эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги микроавтобус илгариги моделдан анча фарқ қилади. Мисол учун янги "ЭПИК"да никелли батарея қўлланади. Бундан ташқари, янги "ЭПИК"нинг бир марта оладиган электр қуввати 150 километр масофани босиб ўтишига етади. Унинг тезлиги эса соатига 130 километрни ташкил қилади.

ҲАРБИЙ БЮДЖЕТНИ ҚЎПАЙТИРИШМОҚЧИ

➡ ТЕЛ-АВИВ. Исроил ҳукумати миллий мудофаа сарф-ҳаражатларини бирмунча қўпайтириш ниятида. Бунинг асосий сабаби Ҳиндистон ва Покистонда ядро синовлари ўтказилгани ҳамда Фаластин ҳудудидаги Исроил ҳарбийларининг яқин кунлар ичида олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқдир. Исроил бош вазири Бинямин Нетаняху 18 июнь куни шу ҳақда баёнот берди.

Шу куни мамлакат мудофаа вакиллари ва парламент депутатлари гуруҳининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда ўн йил мобайнида ҳарбий бюджетни қўпайтириш билан боғлиқ масала муҳокама этилди.

СИНОВДАН ЎТКАЗИШ МЎЛЖАЛЛАНМОҚДА

➡ КИЕВ. Жорий йил июнь ойи охирида Украина—Хитой—Покистон лойиҳаси асосида Покистонда тайёрланган янги "МБТ—2000" русумли танкни синовдан ўтказиш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда ҳарбий машинани йиғиш ишлари якунланган. Дастлабки хабарларга қараганда, мазкур танк синовдан яхши ўтса, Покистон бу турдаги танклардан 100 тасини сотиб олиш ниятида.

1996 йили икки мамлакат ўртасида имзоланган шартномага кўра, Украина Покистонга "Т—80УД" русумли ва умумий қиймати 550 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 320 та танк етказиб бериши керак, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси.

(ЎзА).

Тўйхат ўрнида

ДИЁРИГА МАҲЛИЁ ШОИР

Барот Исроил ўғли Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманига қарашли Тошсой қишлоғида оддий деҳқон оиласида таваллуд топган. Унинг болалиги қирқинчи йилларнинг даҳшатли уруш машаққатлари ва очарчилик даврида ўтган. Бу ҳақда шоир "Қўғирмоч" шеърида:

"Кафтим бўлса қўғирмочга,
Ярим кўнглим тўлар эди.
Дўппим тўлса қўғирмочга,
Дея орзу қилар эдим".

...дейди.

Дастлабки билимни ўша ердаги тўлиқсиз ўрта мактабда, сўнг Ўртасарой қишлоғида давом эттирди. 1954 йилда Тошкент шаҳридаги полиграф билим юртига ўқишга кириб, уни 1956 йилда тугатади. У ерда олган ихтисоси бўйича, аввал биринчи ва бешинчи босмаханоларда харф терувчи вазифасида ишлайди.

1960 йилда Барот Исроил Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга киради. Бўлғуси шоир у ерда ўзбек адабиётининг жонкуярларидан бўлган файласуф шоир Мақсуд Шайҳзода ва профессорлар Натан Маллаев, Мазлума Асқарова, Ҳамиджон Ҳомидовлар билан мулоқотда бўлиши ҳамда сабоқларини тинглаши, ёш ижодкор ҳаётида адабий мактаб сабоғи ролини ўйнади.

Ёш шоирнинг илк "Имтиҳон" номли шеъри 1956 йили Ўртачирчиқ туманининг "Машъал" газетасида эълон қилинади. Шундан сўнг унинг шеърлари талабалик даврида институт қошида нашр этилган "Педагог" ҳамда бошқа газеталарда босилиб чиқа бошлайди. У 1966 йилда олий даргоҳни тугатгач, "Тонг юлдузи" (аввалги "Ленин учқуни") газетасига адабий ходим лавозимига ишга қабул қилинади. Болалар матбуотида ишлар экан, ижодкор иқтидорининг яна бир қирраси, яъни болалар учун ҳам шеър ёзиш қобилияти борлиги намоён бўлади.

Барот Исроил ишлаб юрган кезларида, ўзбекнинг улуғ шоирларидан бири Миртемир билан танишади. Ўз машқларини улкан шоир назаридан ўтказа бошлайди.

Миртемир бўлғуси шоирни шеъриятнинг машаққати ва сиру асроридан огох этади ва "Оқ йўл" тилаб, фотиҳа беради.

Барот Исроил 1970 йилда Ўзбекистон телерадио компаниясига ишга таклиф қилинади. У ерда қўшиқ ёзиб олиш бўлимини бошқариб, ўзбек қўшиқчилиги ривожига баҳоли қудрат ўзининг муносиб хиссасини қўшади. Шу билан ўзи ҳам самарали ижод қилиб, эл-юртга манзур қўшиқлар яратади. Жумладан, "Ўзбекистон муҳаммаси", "Эй, она юрт", "Настарин", "Туркистонлик беш оғайни ботир", "Айлади шайдо муҳаббат", "Диёрга маҳлиёлик", "Суҳбатингга ташнаман, жоним", "Тингла диёр", "Ёш авлод келур" ва болалар учун "Эгиз кўзичоғим бор", "Товуғим", "Биз тинчликни қўйлаймиз", "Топишмоқ қўшиқлар", "Қизғанчиқ говмиш", "Полвон бўламан" сингари қўшиқлари шеъриятимизнинг маънавий бойлигига айланган. Айниқса эл орасида оммалашиб кетган "Юрт қадри" ашуласида шундай ҳикматли сатрларни ўқиймиз:

Дарбадар кезмаса ким юрт
қадрин билмас эмиш,
Мусофир бўлмагунча
мусулмон бўлмас эмиш.
Ватан тупроғига бош
қўймагунча хаста ҳам,
Хаётдан умид узмай —
жон таслим қилмас эмиш.
Сидқу дил заҳмат бирла бахт
томон очмасанг йўл,
Ўзгалар соясида толеинг
кулмас эмиш.
Иймон-эътиқод ила
Ватанингни сев, Барот,
Инсон зар, дунё билан бахтиёр
бўлмас эмиш.

Шоирнинг илк китоби "Бойчечак" (Шеърлар ва достон) 1972 йилда Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг сўз бошиси ва муҳаррирлигида нашр этилади. Шундан сўнг, "Най навоси" (1976), "Оқ булут" (1979), "Оқ олтин" (1980), "Баҳор" (1982), "Субҳидам" (1985), "Устоз юлдузи" (1986) (рус тилида), "Ширин кулча" (1989, болалар учун), "Настарин" (1992), "Меҳригиёҳ" (1994), "Тўйтепага тўйга келинг" (1997), "Алишернинг ширин тили" (1998) каби китоблар нашр этилди.

Шоир бадиий таржима соҳасида ҳам ўз қаламини синаб кўради: А. Пушкин, Н. А. Некрасов, Р. Ҳамзатов, Тоголок Мўлда, Қуванчбек Маликов, Собит Муқанов, Қосим Нурбадов, Абдулваҳоб Ал-Баётий, Тошпўлат Наматов каби қардош халқлар шоирлари шеърларидан намуналар таржима қилиб, вақтли матбуотда эълон қилади.

Шоир кейинги пайтда насрда ҳам қалам тебратиб, кўрган кечирганларини қоғозга тушириб, "Онаизор" номли қиссасини нашрга тайёрлади.

Яна шуни айтиш ҳам керакки, шоир ўз диёрига маҳлиё бўлиб қалам тебратади. Шу туфайли аксарият шеърлари ва қўшиқлари киндик қони томган она заминга бағишланади.

Ҳа, қалам соҳибининг вужуди эл-юртига эт билан тирноқдай пайвандлигига шубҳа қилмаймиз. Қалб амрига содиқ қолган санъаткорнинг мазкур таронасига беихтиёр жўр бўласан киши:

Бу диёрга маҳлиёлик бир
умрдир, бир умр,
Баҳри эркли нур зиёлик бир
умрдир, бир умр.

Зеро, шоир шу кунларда олтмиш баҳорни қаршилаб, айни баркамол паллада, Мустақил Ватан қўшиғини янада юқори пардада куйлашига ишонч ҳосил қиламиз.

Абдусодиқ ИРИСОВ,
филология фанлари
доктори.

Суратда: Барот Исроил (ўртада), адиблар Жуманиёз Жабборов (ўнгда) ва Пирмат Шермуҳаммедов билан.

ТЕМИР ОТИНИНГ ДУПУРИ

Амир Темур отининг дупури келаётир,
Суворийлар саф тортиб, от суриб келаётир,
Не-не тўсиқ, ғовларни супуриб келаётир,
Эй Турон, уйғон дебон, чақириб келаётир,
Саркарда Темур отин дупури келаётир,
Турк амирин тулпори кўпириб келаётир.

Туркистонни парчалаб юборгандай хападир,
Сарбозлар ҳар томонга отлар солиб чопадир,
Қалбларга ғурур туйиб, ҳақ уруғин сепадир,
Ҳоин зоти бир куни ўз жазосин топадир,
Саркарда Темур отин дупури келаётир,
Турк амирин тулпори кўпириб келаётир.

От чопса гумбурлагай баланд тоғлар дараси,
Кураш пайти билинар мард йигитлар сараси,
Неча асрлар қаъридан эшитилар наъраси,
Қадимий туркий эллар ўтоғаси, тўраси,
Саркарда Темур отин дупури келаётир.
Турк амирин тулпори кўпириб келаётир.

Шижоати, шиддати етиб келди қулоққа,
Гумбурлаб таралмоқда акс-садоси ҳар ёққа,
Бобосин кўриб қалқди ўзбек халқи оёққа,
Саркарда Темур отин дупури келаётир,
Турк амирин тулпори кўпириб келаётир.

ЎҒЛИНГИЗ ҚАЙТДИ

Онажон, ўғлингиз қишлоққа қайтди,
Тошсой деб, аталган тошлоққа қайтди.

Ҳаққингиз хотирлаб, саловат айтган,
Ўзингиз ўстирган гулбоққа қайтди.

Отам ёққан чироқ сўнмасин дея,
Сўнаётган шаъмин ёқмоққа қайтди.

Навқирон чоғида илм излаб кетиб,
Кекса шоир бўлиб кент ёққа қайтди.

Ғиёҳлари малҳам, ҳоки тўтиё,
Киндик қони томган тупроққа қайтди.

Дунё кезиб, соч-соқоли оқариб,
Сершовқин шаҳардан тинч, тоққа қайтди.

Муборак пайғамбар ёшига етиб,
Барот меҳри тушган чорбоққа қайтди.

МЕҲМОН

Меҳмон келса муштдай бўлиб,
Учиб кетса қушдай бўлиб,
Ўзбек халқ мақоли.

Меҳмон келди, бағрим очдим,
Бор-йўғимни тўкиб-сочдим,
Бирга едим, бирга ичдим,
Шодлигимдан елиб, учдим,
Бўлдим очиқ қўлли мезбон, —
Мен меҳрибон...

Дўст бўлар деб ўйлагандим,
Мақтаб, алқаб сўйлагандим,
Қўшиғин ҳам куйлагандим,
Яйрашиб тўй-тўйлагандим,

Ошноликни қилди пайхон, —
Ақлим хайрон.

Тегди инсоф, нафсимга у,
Қадамида ғараз, қайғу,
Хайрихоҳмас чоғи туйғу,
Яна нени қилар орзу,
Билмади ўз қадрин меҳмон —
Юрагим қон...

Боқмай бору-озлиғимга,
Туфлаб тузу-тузлиғимга,
Писанд этмай ўзлиғимга,
Кулар ширин сўзлиғимга,
Кўнглида не сирлар пинҳон, —
Дилда гумон...

Гоҳ бермасам бер, деб қистар,
Гоҳ уйимдан қувмоқ истар,
Барот, унга бўлма мустар,
Нақ халқумга етти наштар,
Кет дейишга йўқдир имкон, —
Чунки меҳмон...

НИҲОЛЛАР ТАШАККУРИ

Дарахтлар, ниҳоллар бирла сирлашар,
Серунум тупроқнинг саҳийлигидан.
Беғам боғбонлардан гоҳо зорлашар,
Гоҳ шодланар Ернинг боқийлигидан.

Қуёшдан андоза эрур меваси,
Қирмизи олмада тарам-тарам нур.
Англадим ялпоқлар шивир-шевасин,
Экканга, пичирлаб айтур ташаккур.

ИҚРОРЛИК

Ишқ билан ўйнашма.
Халқ мақоли.

Сенинг ўйлаганинг бўлмади жонон,
Мен ҳам муҳаббатим сир сақларман жим.
Ишқ билан ўйнашиб адашдинг, инон,
Ишқ хиссидан ғолиб чиқолмас ҳеч ким.

Орқага йўл йўқдир, чора йўқ энди,
Қалбинг хоҳишини кечроқ билдинг сен.
Муҳаббат кўзгуси чил-парчин синди,
Севгингга жуда кеч иқрор бўлдинг сен!

КЕРАКДУР

Ҳар инсонга одил дунё керакдур,
Зулмат эмас, субҳи зиё керакдур.

Халқи учун бутун умри бахшида,
Сўзи чақмоқ, қалби дарё керакдур.

Симу зар деб сотма лабзу имонни,
Пок ниятли, ақли расо керакдур.

Она-ерга туташ риштаи жони,
Хоки пойи бир тўтиё керакдур.

Эй Барот, ҳақ қарор топгуси бир кун,
Сабр-тоқат этган порсо керакдур.

Барот ИСРОИЛ.

Ёз — болалар учун мазза қилиб хордиқ чиқариш мавсуми. Шу муносабат билан соғломлаштириш оромгоҳларида уларга барча қулайликлар яратиб берилган. Дам олувчилар саломатлигини малакали врачлар назорат қилиб борадилар. Билимдон мураббийлар эса турли ўйинлар, мусобақаларга бош-қош бўладилар.

Суратларда: (чапдан ўнгга) Чирчиқ қурилиш материаллари комбинатининг "Гўзал" соғломлаштириш оромгоҳида болалар сиҳатлиги учун маъсул қилиб тайинланган ҳамшира Муҳайё Тожибоева ҳамда шифокор Нигора Қоратоева; катта мураббий Эдем Аблязимов ва тарбиячи Улпаш Сарсеновалар бор жойда ҳамиша болалар чеҳрасидан табассум аримайди; арғимчоқларда учиш ростдан ҳам роҳат экан.

Владимир ПОРТНОВ олган суратлар.

МОҲИР КАСБ ЭГАЛАРИ

Ижтимоий таъминот вазирлиги ўз тасарруфидаги касб-ҳунар билим юртларида таълим олаётган ногирон ўқувчиларнинг "Моҳир касб эгалари" республика кўрик-танловини ўтказди.

Республика уруш ва меҳнат фаҳрийлари пансионатида ўтказилган кўрик-танлов қатнашчилари телерадио техникаси бўйича назарий ва амалий билимларини ҳамда санъат бўйича маҳоратини намойиш этди.

Танловда Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасига қарашли касб-ҳунар билим юрти ўқувчиси Абдуҳалил Турсунов, республика касб-ҳунар билим юрти ўқувчилари Илҳом Муҳаммадиев, Ҳайрулло Рустамов ғолиб деб топилди. Ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурзоқов совриндорларга қимматбаҳо мукофотлар топширди.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

ҚЎЛБОЛА АРОҚ, СОХТА МАРКА, БУЗУҚ МАШИНА...

Давлат солиқ қўмитаси савдо корхоналари ва хизмат соҳасини назорат қилиш бошқармаси мутахассисларидан тузилган тезкор гуруҳ аъзолари Ангрен шаҳрида икки кун бўлиб Вазирлар Маҳкамасининг савдодаги ишларни тартибга солишга оид қарорларининг бажарилаётганлиги билан танишдилар. Текширув давомида "Ангренсавдо" акционерлик жамиятига қарашли ва хусусийлаштирилган дўконларда оддий савдо қоидалари ҳам қўпол равишда бузилаётганлигининг гувоҳи бўлишди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги "Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида"ги қарорида савдо ва хизмат кўрсатишдан тушаётган ҳар бир сўмни назорат-касса машинасидан ўтказиш, ўз вақтида банк муассасаларига топшириш лозимлиги алоҳида уқтирилган. Афсуски, ангренлик савдо ходимлари бу қоидага мутлақо риоя этмаяптилар. Текширув ўтказилган куни "Ангренсавдо" акционерлик жамиятига қарашли 28-дўконда назорат касса машинасидан ўтказилмаган 28 минг 804 сўм, 30-дўконда 2 минг 600 сўм, 32-дўконда 2 минг 130 сўм, 80-дўконда 5 минг 460 сўм йиғилиб қолган эди.

Бундай ҳолат бошқа савдо шаҳобчаларида ҳам кўзга ташланмоқда. Уларда нақд пул тушумлари банк муассасаларига ўз вақтида топширилмаяпти. Оқибатда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва маошларни вақтида тўлашда қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 19 майда "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида" қарор қабул қилди. Унга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги 604-қарори "Савдо қилишда ва хизматлар кўрсатишда назорат-касса машиналарини қўлламасдан аҳоли билан пул ҳисоб китобларини амалга ошираётган юридик шахслар ҳисоб-китоб счетидан энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида жарима чораси қўлланилиши, бир ой мобайнида ҳуқуқ бузиш такроран содир этилган тақдирда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида ундирилган маблағ бюджет даромадига ўтказилган ҳолда, жарима ундирилади" деган янги банд билан тўлдирилди. Мана энди назорат касса машиналарини мажбуран қўллашга эътиборсизлик билан қаровчи савдо ходимлари фақат ўзларига эмас, балки бутун жамоага жабр қиладилар. Белгиланган иқтисодий жазо чоралари жойларда тартибинтизомни мустаҳкамлаш имконини яратса ажаб эмас.

Солиқчилар шаҳар савдо шо-

Солиқчи фош этади

ҳобчалари бўйлаб текширув ўтказишганда бир йўла тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш юзасидан ҳукумат қабул қилган қарор ижроси билан ҳам қизиқдилар. Афсуски, бу соҳадаги ишлар янада қониқарсиз экан. Текширув давомида биргина 77-дўкондан сохта акциз маркаси ёпиштирилган 3464 шиша "Турон" ва "Ўзбекистон" ароқлари чиқди. Уларни пулга чақсангиз 848 минг 680 сўм бўлади. Шунча қўлбола ароқ қандай қилиб бу томонларга келиб қолганлигини солиқчилар суриштириб билмоқдалар.

Қалбаки ароқлар 80-дўкон омборини ҳам тўлдириб юборган экан. Бу ердан 1500 шиша сохта акциз маркали "Турон" ароғи чиқди. Агар солиқчилар ишнинг белига тепмаганларида нақд 367 минг 500 сўм пул ароқ тайёрлаганлар ва уни хуфя йўллар билан сотаётган ҳамтовоқлар чўнтагига тушарди. Шундай ҳолга солиқчилар 32-дўконда ҳам дуч келдилар. Бу ерда Янгийўлда тайёрланган 15 минг 750 сўмлик акциз маркасиз коньяк, 19600 сўмлик "Родопи" сигаретаси хуфя йўллар билан сотишга шай қилиб қўйилган эди. Ноқонуний маҳсулотлар дарҳол сотувдан олиб қўйилди.

Хусусий дўконлардаги тартибсизликлар олдида булар ҳолва экан. Солиқчилар текширган хусусий дўконларнинг бирортасида ҳам амалдаги қонун-қоидаларга риоя этилмасди. Бу, энг аввало, назорат-касса машиналаридан фойдаланишда кўринади. "Хонобод" хусусий фирмасига қарашли дўкон сотувчиси М. Кулькова ўша куни харидор тўлаган 7520 сўмни назорат-касса машинасидан ўтказмади. Кейин тушумларни ҳисоблаб кўришса назорат-касса машинасидан ўтмаган пул 23 минг сўмдан ошиб кетибди. Бунинг устига дўкон омборидан акциз маркасисиз 69 минг 320 сўмлик спиртли ичимликлар ва 12 минг 345 сўмлик сигареталар ҳам чиқиб қолди.

"Олег" хусусий фирмасига қарашли дўкон сотувчиси А. Хожиматов ҳам қонунбузарликда М. Кульковадан қолишмасди. У солиқчилар кўзи олдида 8225 сўм тушумни назорат-касса машинасидан ўтказмади. Шу соатда йиғилиб қолган пуллар 14,5 минг сўмдан ошиб кетган эди.

— Нега назорат-касса машинасини ишлатмаяпсиз? — сўрашди солиқчилар сотувчидан.

— 21 майдан бери бузуқ. Уста чақиртиришга кўл тегмаяпти, — деди у бамайлихотир.

Бир кунда қанча савдо тушуми тушаяпти, шундан қанчаси банкка топширилиб қанчаси ёнга қолаяпти — булар фақат сотувчининг ўзига аён. Бизга эса назорат касса машинаси ишламаса пул эмиссияси кучайиши, нақд пул айланишидаги маром бузилиши, бу ҳол охир-оқибатда молиявий бузилишларга олиб келиши аён.

Беихтиёр савол туғилади: "Ангренсавдо" акционерлик жамияти раҳбарлари ўзларига тегишли савдо шахобчаларидаги бундай тартибсизликлардан хабардормикинлар? Наҳотки, солиқчилар кўрган камчиликларни улар кўрмаётган бўлсалар? Қачонгача марказдан келиб тартиб ўрнатиб беришларини кутишади?

Текширув давомида шунга ўхшаш саволлар кўп кўндаланг бўлди. Ўйлаймизки, энди уларга Ангрен шаҳридаги савдога мутасадди бўлган идора раҳбарлари тегишли жавоб берадилар...

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.

****СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ****

ОВОЗ БЕР, ОСИЁ!

Кундан кунга қизиб бораётган жаҳон чемпионати баҳслари кучли жамоаларни кейинги босқичга "таклиф этмоқда". Бугунгача барча гуруҳларда 2-тур учрашувлари ҳам ўтказиб бўлинди

"Даҳшатли" дея эътироф этилаётган "Д" гуруҳидан ҳам 1/8 финалнинг биринчи номзоди аниқ бўлди. "АҚШ—94"даги мўъжизаларни давом эттирамиз, деган шиор билан тўп сураётган нигерияликлар биринчи турда Испанияни 3:2 ҳисобида енгганди. Бу сафар эса улар Болгария терма жамоасига қарши мардона тўп суриб 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Испания— Парагвай — 0:0

"Е" гуруҳи биз учун жуда эътиборли. Сабаби, бизнинг Осиёдаги асосий рақибимиз Корея терма жамоаси айнан шу гуруҳда тўп сурмоқда. Улар илк учрашувларини Мексика жамоаси билан ўтказиб, 1:3 ҳисобида мағлубиятга учраган эди. 2-турда эса қитъадошларимиз Голландия вакилларига қарши майдонга тушдилар. Тиниб-тинчимас голландлар кореяликлар дарвозабонини нақд 5 марта орқага қарашга мажбур этди. Бу XVI жаҳон чемпионатидаги энг биринчи йирик ҳисоб.

Бельгия — Мексика — 2:2

Чемпионликка асосий даъвогарлардан бири Германия жамоаси иштирок этаётган "F" гуруҳидаги учрашувлар ҳам жудаям қизиқарли ва кутилмаган натижаларга бой бўлмоқда. Германияликлар 2-турда Югославия жамоаси билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаши "Франция—98" даги биринчи кутилмаган натижа сифатида қайд этиладиган бўлди.

АҚШ — Эрон — 1:2

Осиёнинг энг кучли жамоаси ҳисобланган Эрон қитъадошларимиз ичида биринчи бўлиб уч очко эгаси бўлди. 3-турда эронликлар кейинги босқичга йўлланма оладими. Бу жуда-жуда мушкул, лоақал дуранг натижа қайд этилса ҳам катта "шов-шув" кўтарилишига шубҳа йўқ.

VIII—ЖЧда чемпион бўлган Англия терма жамоаси "яна 8 ЖЧ ўтди. Навбат бизга деб" даъво қилишмоқда. Биринчи турда Тунис жамоасини қийинчилик билан 2:0 га енгган англияликлар бу сафар гуруҳдаги асосий рақиблари Руминия жамоаси билан майдонга тушдилар. Муросасиз кечган учрашув руминияликлар фойдасига ҳал бўлди.

Колумбия — Тунис — 1:0

Япония вакиллари иштирок этаётган "Н" гуруҳида ҳам асосий чигалликлар ечилди. Аргентина терма жамоаси "31 давлат вакиллари бизга қарши" деб туришибди. Бу, албатта, "биз чемпионмиз" дегани. 2-турда аргентиналиклар чиндан ҳам чемпионларга хос ўйин намойиш этиб, Ямайка жамоаси дарвозасига 5 та жавобсиз тўп йўллашди.

Япония — Хорватия — 0:1

Икки тур учоашувларига кўра кейинги босқичга йўлланма олган 3—4 жамоа аниқ бўлди. Америка қитъасидан — Бразилия, европаликлардан — Франция, Африкадан — Нигерия, Осиёдан эса...

НИҲОЯТ... ҒАЛАБА!

Куни кеча олий лига жамоалари биринчи даврадаги сўнгги учрашувларини ўтказдилар. Ҳамманинг ҳаёли Францияда — ҳатто дарвозабонларнинг ҳам десак янглишмаймиз. Ёки жаҳон чемпионатлари баҳсларидаги ўйинлардан ҳужумчиларимиз роса илҳомланиб тўп сурдилар. Сабаби 15-турда бўлиб ўтган 8 та учрашувда 45 марта дарвозалар ишғол этилди.

"Дўстлик" жамоаси бу сафар ўз майдонида Навоий вилоятининг Зарафшон жамоасини қабул қилиб 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Қарийб 10 турдан бери дуранг ва мағлубиятдан боши чиқмай қолган вакилларимизнинг йирик ҳисобдаги бу муваффақиятлари, мухлисларга сўзсиз катта қувонч бахш этди. Тўпларни Ирисметов (23, 89), Селимбоев (51), Тарон (60), Шокиров (88) киритишди. Меҳмонлардан эса ягона жавоб тўпини 65-дақиқада Шишелев йўллади. Тошкентда "Трактор" ўйингоҳида меҳмон бўлган Бекободнинг "Металлург" жамоаси 2:2 ҳисобида дурангга эришди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. "Темирйўлчи" — "Суғдиёна" — 4:2, "Андижон" — "Сурхон" — 6:2, МХСК — "Навбаҳор" — 1:5, "Насаф" — "Косонсой" — 3:1, "Бухоро" — "Пахтакор" — 1:2, "Нефтчи" — "Хоразм" — 7:1.

Энди олий лигада 14 августга қадар танаффус эълон қилинади. Иккинчи давра бошлангунча Ўзбекистон кубогининг IV, V босқич беллашувлари бўлиб ўтади.

Абдулазиз РАИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг спорт шарҳловчиси.

Ўзимизники

ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ

Май ойи жаҳон аҳлида жуда катта ташвиш туғдирган. Ҳиндистон ва Покистондаги ядро қуроли синовлари туфайли барчамизда нохуш таассурот қолдирди. Лекин, катта карвон йўлидаги унчамунча тўсиқ уни йўлдан бура олмаганидек, инсоният тарихида учраб турадиган жуда кўп воқеа-ҳодисаларга қарамасдан, ҳаёт ўз йўлида давом этаверади.

Гап куни кеча бошланган энг муҳим воқеа ҳақида кетяпти. Мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти давлат раҳбарларининг доимий нуқтаи назарида бўладиган тинчлик, барқарорлик масалаларини эмас, мухлислар тўрт йилдан буён орзиқиб кутган футбол бўйича жаҳон чемпионатини назарда тутяпман.

Бу байрам ҳақида ўйлар эканман, хаёлим бевосита футболчиларнинг либосига етаклаб кетди. Эски мухлис сифатида билганим шуки, барча етук мамлакатлар футболчилари кийиб майдонга тушадиган либос ўша мамлакатлар байроғи рангида ёки рангларининг бирида бўлади. Баъзида, рақиблар либосининг ранги бир хил бўлиб қолганда эса, кимдир ўз кийимини ўзгартиради. Бироқ, шунда ҳам, либос ранги ўзгаргани билан, барибир унда мамлакат байроғининг қандайдир унсури сақланиб қолади.

Ўзбекистонимиз мустақил давлат сифатида жаҳондаги барча сиёсий, иқтисодий тузилмалардагина эмас, бошқа соҳалар, жумладан, спортда ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Мустақиллигимизнинг атиги олти йили ичида минтақа, олимпия, жаҳон чемпионатларида кўп марта юртимиз байроғи кўтарилди.

Мен фақат ўзимиз забт этган энг юксак поғоналарни эслатдим, холос. Ваҳоланки, юртимизда жуда улкан миқёсдаги халқаро спорт мусобақалари уюштириляпти, ҳамюртларимиз эса, жаҳоннинг барча минтақаларида ўтказилаётган мусобақаларда фаол иштирок этяпти.

Июнь — футбол байрами ойи эканидан фойдаланиб, эътиборингизни футболчиларнинг либосига қаратдим.

Модомики, Ўзбекистонимиз спортчилари бутун дунё бўйлаб ўтказилаётган деярли барча мусобақаларда иштирок этаётган экан, менимча, уларнинг либоси Ўзбекистонимиз байроғи рангида бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида фармон чиқарди. Бунда катта маъно, фахр-ифтихор бор. Демак, барчамиз кўксимизда, демакки, юрагимизда ҳам Ўзбекистон белгисини олиб юришимиздан ташқари, уни — Ўзбекистонимиз белгисини либосларимизда ҳам жаҳонга намойиш этишимиз керак.

М. ХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар беришларича 24-28 июнь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг биринчи ярмида айрим ерларда, асосан, тоғли ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Иккинчи ярмида эса ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечалари 18-23, кундуз кунлари 33-38 даража иссиқ бўлади.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

МИНГЛАР, МИЛЛИОНЛАР, МИЛЛИАРДЛАР...

Дунё миқёсида йилдан-йилга шаҳар аҳолисининг сони шитоб билан ўсиб бораяпти. Одамлар қишлоқдан кўра шаҳарда яшашни афзал билаётир. Бу XX аср инсоният тийнатига сингдирган "Комфортга интилиш" тамойилининг ғалабасидир. 1950 йилдан 1995 йилгача дунё бўйича шаҳарда истиқомат қиладиганлар 250 фоизга, қишлоқ аҳолиси эса бор-йўғи 75 фоизга кўпайган. БМТ маълумотларида қайд этилишича, бугунги кунда жаҳон аҳлининг 45 фоизи 2,58 миллиард киши шаҳарлик ҳисобланади. 2005 йилга бориб бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил қилар экан.

Келгуси ўн йил ичида дунё аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарда яшай бошлайди. Шунга яраша мегаполислар ҳам янада улканлашиб боради. Янги асрда Ҳиндистоннинг кино маркази — Бомбей аҳолиси жиҳатидан дунё шаҳарлари ичида 6 ўриндан 2 ўринга чиқиши мумкин. Бу пайтга бориб унинг аҳолиси 18,9 миллион кишини ташкил этади. Ҳозир эса аҳоли сони бўйича Токио дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Унинг нуфузи 26,5 миллиондан зиёд.

2010 йилга бориб дунёдаги 15 та мегаполис шаҳарлар ичида Осиё минтақасининг улуши 9 тадан 11 тага ортади. Лотин Америкасида эса аксинча — мазкур рўйхатга кирувчи шаҳарлар сони 4 тадан 2 тага камаяди.

(ЎзА).

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ!

Тошкент вилояти давлат мулк қўмитаси ва Тошкент вилояти кўчмас мулк биржаси билан ҳамкорликда 30 июнь 1998 йил Зангиота тумани ҳокимлиги биносида қуйидаги Ким ошди савдоларини ўтказади.

Савдога Қибрай туманида жойлашган қуйидаги ер майдонлари қўйилган

	ер майд.сони	бир ер майдон сатҳи кв.м	бошланғич нархи
1. "Назарбек" жамоа хўжалигидаги № 1-4 рақамли ер майдонлари	4	400.0	104.400,0
2. "Назарбек" ж/х № 1-8 ер майдонлари	8	300.0	78.300,0
3. "Улуғбек" ж/х	4	400.0	78.300,0
4. Оҳангарон шаҳридаги 2 даҳа 6/7 уйда жойлашган АҒКУнинг одам яшамайдиган хонаси			317.000.0

Ким ошди савдолари Зангиота тумани ҳокимлиги биносида 1998 йил 30 июнь куни соат 11.00 да бошланади.

Мурожаат учун тел. (код) 297 53776, 52263.

Тошкент халқа йўли бўйлаб Келес шаҳрига яқин жойдаги 3 хоналик олди айвонлик 4 сотихли планли уй **СОТИЛАДИ.** Тел: 67-47-89.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти томонидан 1992 йил 26 июлда Ў. Э. ТЎХТАМИШЕВ номига берилган ЦВ № 609615 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 227-мактаб томонидан Маъмура АРИПОВА номига 1996 йилда берилган А № 011526 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти Ҳокими ижроия маҳкамасининг Матбуот бошқармаси ва Бекобод шаҳар босмахонаси жамоалари босмахонанинг цех бошлиғи Мухчи Гулнора Меметовнанинг отаси **Мемет АБЛЯЗИЗОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади ва марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига сабр-бардош тилайдилар.

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси маъмурияти бошқарма бўлим бошлиғи Ҳ. Агзамовга ўғли **Равшан АҒЗАМОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48* *Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.*

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-083. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 12.208 нусха.

"**Шарқ**" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди –18.45. 1 2 3 4 5 6